- лойқа босган тақдирда, каналнинг юқори бьеф қисмини тозалаш (остона Р каналнинг тубига нисбатан баланд бўлиши керак); водослив остонасини пастки бьеф томонидан сув босмаслиги керак;
- камида бир йилда бир марта водосливни таъмирлаш керак - механик шикастликларини туғрилаш, бўяш, рейкани ўрнатиш ва ҳоказолар.

### САНИИРИ нинг сув ўлчаш нови

САНИИРИ нинг сув ўлчаш нови (**СЎН**) – туби горизонтал, икки ён деворлари тик ва пастки бьеф томони бир-бирига яқинлашиб борувчи (сув оқимини торайтириб борувчи) калта новдан иборат. СЎН, каналнинг юқори ва пастки бьефлари билан канал ўқиға кўндаланг ва тик деворлар орқали туташтирилади. Бунда пастки бьефда сув оқимини тинчлантирувчи чуқурча (кудукча) бўлиши керак. Нов остонаси канал тубидан баланд бўлиши шарт эмас. Сатх ўлчаш рейкаси новнинг олд томонидаги деворига маҳкамланади. Бунда



рейканинг ноли нов остонасининг отметкаси билан бир хил бўлиши керак (6 ва 7 расмлар).



**6 - Расм. САНИИРИ нинг сув ўлчаш нови, юқори бьеф томони**  
1 - кириш қисми, 2 - гидрометрик рейка.



**7 - Расм. САНИИРИ нинг сув ўлчаш нови, пастки бьеф томони**  
1 - чиқиш қисми, 2 - новнинг туби, 3 - чуқурча, 4 - пастки бьефда  
канал ёнбағирларини маҳкамлаш.



3- жадвалда СЎН нинг геометрик ўлчамлари ва сув сарфининг қийматлари келтирилган.

## 3 – жадвал

## СЎН нинг геометрик ўлчамлари ва сув сарфининг қийматлари

Новнинг ўлчамлари	Нов чиқиш қисмининг эни $v_d$ (м)							
	0,2	0,3	0,4	0,5	0,6	0,7	0,8	1,0
Нов кириш қисмининг эни $V_d=1,76 v_d$ , м	0,34	0,51	0,68	0,85	1,02	1,19	1,36	1,76
Новнинг узунлиги $l=2v_d$ , м	0,4	0,6	0,8	1,0	1,2	1,4	1,6	2,0
Нов тик деворларининг баландлиги $H_l=(1.5-2)v_d$ , м	0,4	0,65	0,7	0,8	0,9	1,0	1,2	1,5
Остонанинг баландлиги $P \geq 0,5$ $H_{max}(H_{max} \leq 0.8H_l)$ , м	0,16	0,26	0,28	0,32	0,40	0,40	0,40	0,50
Сув сарфи $Q$ , м <sup>3</sup> /с	0,051	0,157	0,286	0,555	0,916	1,064	1,217	2,14
Сув оқими чуқурлиги, $H_{max}$ , м	0,25	0,40	0,50	0,65	0,80	0,80	0,80	1,0

СЎН учун сув эркин оқиб ўтаётган ҳолат ( $h/H < 0.2$ ) да сув сарфининг тенгламаси қуйидагича:

$$Q = C * b * H * \sqrt{2gH}, \text{ м}^3/\text{с}, \quad (3)$$

бунда:  $C = 0.5 - \frac{0.109}{6.26 * H + 1}$  - сарф коэффициенти;

$b$  – нов чиқиш қисмининг кенглиги (м);

$H$  – нов остонасининг юқори бўёфдаги чуқурлиги (м).

Ишлатиш ифодаси эса қуйидаги кўринишга эга:

$$Q = 2,14 * b * H^{1.55}, \text{ м}^3/\text{с}. \quad (4)$$

СЎН дан фойдаланиш қулай бўлсин учун, сув сарфлари билан сув сатхлари орасидаги боғлиқлик тайёр, 4- жадвалда келтирилган.

4 – жадвал

Сув оқимининг чуқурлиги, см	Нов чиқиш қисмининг эни, $v_i$ (см)						
	20	30	40	50	60	70	80
1	0,34	0,51	0,68				
2	1,00	1,49	1,99				
3	1,87	2,80	3,73				
4	2,91	4,37	5,83				
5	4,12	6,18	8,24	10,30	12,36	14,42	16,48
6	5,46	8,20	10,93	13,66	16,39	19,13	21,86
7	6,94	10,41	13,88	17,35	20,82	24,29	27,76
8	8,54	12,80	17,07	21,34	25,61	29,87	34,14
9	10,25	15,37	20,49	25,61	30,74	35,86	40,98
10	12,06	18,09	24,13	30,16	36,19	42,22	48,25
11	13,98	20,97	27,97	34,96	41,95	48,94	55,93
12	16,00	24,00	32,00	40,01	48,01	56,01	64,01
13	18,12	27,17	36,23	45,29	54,35	63,41	72,46
14	20,32	30,48	40,64	50,80	60,96	71,12	81,28
15	22,61	33,92	45,23	56,54	67,84	79,15	90,46
16	24,99	37,49	49,99	62,48	74,98	87,48	99,97
17	27,46	41,18	54,91	68,64	82,37	96,10	109,82
18	30,00	45,00	60,00	75,00	90,00	105,00	120,00
19	32,62	48,93	65,24	81,56	97,87	114,18	130,49
20	35,32	52,98	70,64	88,30	105,96	123,63	141,29
21	38,10	57,14	76,19	95,24	114,29	133,34	152,39
22	40,94	61,42	81,89	102,36	122,83	143,31	163,78
23	43,87	65,80	87,73	109,66	131,60	153,53	175,46
24	46,86	70,28	93,71	117,14	140,57	164,00	187,43
25	49,92	74,88	99,83	124,79	149,75	174,71	199,67
26		79,57	106,09	132,61	159,14	185,66	212,18
27		84,36	112,48	140,60	168,72	196,85	224,97
28		89,25	119,01	148,76	178,51	208,26	238,01
29		94,24	125,66	157,07	188,49	219,90	251,32
30		99,33	132,44	165,55	198,66	231,77	264,88
31		104,51	139,34	174,18	209,01	243,85	278,69
32		109,78	146,37	182,96	219,56	256,15	292,74
33		115,14	153,52	191,90	230,28	268,66	307,04
34		120,59	160,79	200,99	241,19	281,39	321,59

Сув оқимининг чуқурлиги, см	Нов чиқиш қисмининг эни, $v_i$ (см)						
	20	30	40	50	60	70	80
35		126,14	168,18	210,23	252,27	294,32	336,36
36		131,77	175,69	219,61	263,53	307,45	351,38
37		137,48	183,31	229,14	274,97	320,79	366,62
38		143,28	191,05	238,81	286,57	334,33	382,09
39		149,17	198,90	248,62	298,34	348,07	397,79
40		155,14	206,86	258,57	310,28	362,00	413,71
41			214,93	268,66	322,39	376,12	429,85
42			223,11	278,88	334,66	390,43	446,21
43			231,39	289,24	347,09	404,94	462,79
44			239,79	299,73	359,68	419,63	479,57
45			248,29	310,36	372,43	434,50	496,57
46			256,89	321,11	385,34	449,56	513,78
47			265,60	332,00	398,40	464,80	531,20
48			274,41	343,01	411,61	480,22	548,82
49			283,32	354,15	424,98	495,81	566,64
50			292,33	365,42	438,50	511,58	584,67
51				376,81	452,17	527,53	602,89
52				388,32	465,98	543,65	621,31
53				399,96	479,95	559,94	639,93
54				411,71	494,06	576,40	658,74
55				423,59	508,31	593,03	677,74
56				435,59	522,70	609,82	696,94
57				447,70	537,24	626,78	716,32
58				459,94	551,92	643,91	735,90
59				472,29	566,74	661,20	755,66
60				484,75	581,70	678,65	775,60
61				497,33	596,80	696,26	795,73
62				510,02	612,03	714,03	816,04
63				522,83	627,40	731,96	836,53
64				535,75	642,90	750,05	857,20
65				548,78	658,54	768,29	878,05
66					674,31	786,69	899,08
67					690,21	805,24	920,28
68					706,24	823,95	941,66
69					722,41	842,81	963,21
70					738,70	861,81	984,93
71					755,12	880,97	1006,83

Сув оқимининг чуқурлиги, см	Нов чиқиш қисмининг эни, $v_i$ (см)						
	20	30	40	50	60	70	80
72					771,67	900,28	1028,89
73					788,34	919,73	1051,12
74					805,15	939,34	1073,53
75					822,07	959,08	1096,10
76					839,12	978,98	1118,83
77					856,30	999,02	1141,73
78					873,60	1019,20	1164,80
79					891,02	1039,52	1188,03
80					908,56	1059,99	1211,42

### СЎН ни ясаш, ўрнатиш ва ундан фойдаланишга бўлган талаблар:

- СЎН нинг конструкцияси ва ўрнатиш услуби, уни вақти-вақти билан кўздан кечиришга халакит бермаслиги керак;
- юқори қисмининг эни  $V < 60$  см ли каналларда, СЎН нинг заводда ясалганларини ўрнатиш керак (8 – расм);
- СЎН ни, жойларда, ечиб олинадиган метал опалубкалардан фойдаланган холда қуйиш мумкин;
- СЎН кириш қисми марказининг асосий канал ўқ текислигига нисбатан силжиши, канал эни  $V_k \leq 50$  см бўлганда 5 мм дан,  $V_k \leq 150$  см да – 10 мм дан,  $V_k > 150$  см да – 15 мм дан ошмаслиги керак;
- СЎН ён деворларининг тикликка нисбатан оғиши ҳар 1 м га 2 мм дан ошмаслиги керак;
- СЎН кириш қисмининг остонаси қатъиян горизонтал бўлиши керак, бунда ҳатолик у ўлчамининг ҳар 1 м га 1 мм дан ошмаслиги керак.



**8 – расм. Завода ясалган САНИИРИ новини ўрнатиш.**



**9 – расм. САНИИРИ новини қуйиш учун метал опалубкани ўрнатиш.**


## ЎЗГАРМАС ЎЗАН ТУРИДАГИ ГИДРОПОСТЛАР

Контрол ўлчашларда сарф ўлчаш аниқлигини ошириш учун ўзгармас ўзан (ЎЎ) туридаги гидропостлар жиҳозланади, яъни ўзаннинг танланган қисми (гидроствори) нинг туби ва ёнбағирлари бетон ёки бошқа мустаҳкам материал билан қопланади.

ЎЎ ни қуришга бўлган асосий талаблар:

- ЎЎ қисми мустаҳкам материаллар (монолит бетон, бетон тахталар, тош ва хоказолар) билан қопланиши керак;
- каналнинг ЎЎ қисми сув оқимини ўлчаш створига тўғри яқинлашишини таъминлаши керак.

Сув хўжалиги амалиётида ўў туридаги гидропостларнинг, каналларнинг тўғричизикли, узунлиги  $(6-10)B$  дан кам бўлмаган қисмида жиҳозландиган конструкциялари кенг тарқалган. Бу ерда  $B$  – канал юқори қисмининг эни (10 – расм).



10 – расм. Сатх ўлчагич чуқурчали ўзгармас ўзан

Ўў туридаги гидропостларни жиҳозлаш ва ободонлаштиришда қуйидаги қоидаларга эътибор бериш керак:


- Ўў туридаги гидропостнинг тўғричизикли қисмида сув оқимининг тартибига таъсир қилувчи ҳеч қандай тўсиқлар (кўприк устунлари, бурилишнинг яқинлиги ва бошқалар) бўлмаслиги керак;

- сув ўлчаш рейкаси махсус қудуқ ёки чуқурчада ўрнатилган бўлиши керак; рейканинг ноли, гидроствор тубининг отеткасига мос бўлиши керак (10 – расмга қаранг);
- гидроствор хамавакт тоза, лойқа ва ифлосликларсиз бўлиши керак.

Ўў туридаги гидропост қурилиши тамомлангандан сўнг, уни сарф характеристикаси  $Q = f(H)$  ни тузиш учун градуировкалаш керак

### Ўў туридаги гидропостларни градуировкалаш

- Ўў туридаги гидропост, градуировка ифодасини олиш ва у бўйича сарф жадвалини тузиш мақсадида градуировкаланади.
- Ишончли градуировка ифодаси  $Q = f(H)$  ни олиш учун, сув сарфининг 6–9 дан кам бўлмаган қийматларида сув сатхининг тўлиқ ўзгариш диапазонида (ўлчаш сони каналнинг қурилиш чуқурлигига боғлиқ) ўлчаш керак.
- Ўў туридаги гидропостларни градуировкалаш, сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларининг гидрометрлари, метрология ташкилотлари мутахассислари билан биргаликда амалга оширилади.
- Ўў туридаги гидропостни градуировкалаш натижалари бўйича метрологик ташкилот мухри билан тасдиқланган градуировкалаш қарори ва  $Q = f(H)$  ифодаси графиги расмийлаштирилади (11 – расм).



11 – расм.  $Q = f(H)$  ифодасининг графиги

### Градуировкаланган параболик нов

Сув хўжалиги амалиётида ЛР-40; 60; 80; 100 туридаги параболик новлар кенг тарқалган. Уларнинг сув сарфини ўлчаш, градуировкалаш ва сарф характеристикаси  $Q = f(H)$  ни олиш йўли билан амалга оширилади.

Градуировкаланган параболик нов (ГПН), бу – сув сарфини мунтазам ўлчаш учун градуировкаланган ва жиҳозланган жой (гидропост). ГПН, сарф ўлчаш учун ўрта қисмида жиҳозланган параболик ЛР новининг битта секциядан иборат. Ер юзасидан пастда ўрнатилган новларнинг гидростворида сатх ўлчаш рейкали сатх ўлчагич қудуғи жиҳозланади.

Ер юзасидан юқори ўрнатилган новларнинг ён деворига сатх ўлчаш шкаласи ёпиштирилади (12 а, 12 б – расмлар).

Бир нечта нов секцияларидан танланган ва ГПН қисми, бир хил нишабликда бўлиши керак.



а) тинчлантириш қудуқли



б) сарф ўлчаш даражали

12 – расм. Градуировкаланган параболик нов

### ГПН ни градуировкалаш

ГПН нинг сарф чизиги  $Q = f(H)$  ни тузиш ва сарф жадвалини ҳисоблаш учун сув сарфини  $Q_{\min}$  дан,  $Q_{\max}$  гача диапазонда ўў ни градуировкалагандек 6-9 тадан кам бўлмаган қийматлари ўлчанади. ГПН ни тез градуировкалаш учун САНИИРИ да ишлаб чиқилган бир нуқтали ўлчаш усулини қўллаш тавсия этилади.



### САНИИРИ нинг бир нуқтали сарф ўлчаш усули

Бир нуқтали сарф ўлчаш усули, стандарт параболик ЛР – 40; 60; 80; ва 100 новларидан ташкил топган ички хўжалик каналларидаги сув сарфининг 80; 150; 250 ва 500 л/сек гача қийматларини жойнинг ўзида мунтазам ўлчаш учун мўлжалланган. Параболик новлардаги сув сарфини тавсия қилинаётган усул билан аниқлаш ифодаси

$$Q = K * h * 2\sqrt{2Ph} * V_{0,6}, \text{ (л/с)}$$

кўринишига эга.

Бу ерда:

**K** – ўзгармас коэффициент,

**P** - парабола параметри; ЛР – 40; 60; 80 новлари учун **P** = 0,2;

ЛР – 100 нови учун эса - **P** = 0,35.

Сув оқимининг тезлиги ( $V_{0,6}$ ), гидрометрик вертушка ёки бошқа сув тезлигини ўлчаш воситасида, ўрта тикликнинг сув сатхидан  $0,6 * h$  чуқурлигидаги нуқтада ўлчанади. ГПН гидропости учун сув тезлигини ўлчаш учун қабул қилинган нуқта доимий бўлади. Коэффициент **K** нинг қийматлари экспериментал тадқиқотлар натижасида аниқланган. ЛР – 40; 60; 80 новлари учун **K** = 0,565, ЛР – 100 нови учун эса – **K** = 0,59.

ГПН гидропостини градуировкалаш натижалари бўйича метрологик ташкилот мухри билан тасдиқланган градуировкалаш қарори ва  $Q = f(H)$  ифодаси графиги расмийлаштирилади (12 – расм).

### Градуировкаланган параболик новдан фойдаланиш

ГПН дан фойдаланиш даврида:

- ГПН гидростворини лойқа ва ўсимликлардан тозалаш;
- Гидроствор ва кўприкчанинг бошланғич ҳолатини ўзгармаслигини таъминлаш;
- вегетация даврида сарф характеристикаси  $Q = f(H)$  ни сув сарфини контрол ўлчаш йўли билан текшириб туриш керак.

## КОЛЛЕКТОР - ДРЕНАЖ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН СУВ ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ

Коллектор-дренаж тармоғидаги сувнинг ҳисоботи очиқ дрена ва коллекторларда олиб борилади. Гидропостлар куйи тартибли дреналарнинг юқори тартибли дреналарга қуйиладиган охириги қисмларида жиҳозланади.

Хўжаликлараро йирик коллекторларда контрол (транзит) гидропостлар жиҳозланади.

Очиқ коллектор-дренаж тармоғи (КДТ) да сув ўлчашнинг ўзига хослиги қуйидагилардан иборат:


- сув оқими тезлиги ва нишабликнинг камлиги;
- вегетация даврида ўзани хилма-хил сув ўсимликлари ўсиши натижасида гидравлик тартибнинг ўзгариши;
- вегетация ва улар оралиғи даврида дрена модулининг ўзгариши натижасида шўрланган ерларни ювилгандан сўнг сувни ташлаганда канал ёнбағирларининг шикастланиши.

Юқоридаги ўзига хосликларни ҳисобга олиб, КДТ нинг сувини ўлчаш учун амалий гидрометрия қуйидаги сув ўлчаш воситаларини тавсия қилади:

- ўзгармас ўзан туридаги бетон камарли (ЎЎБК) гидропост;
- ўзгармас ўзан туридаги асимметрик кесимли (ЎЎАК) гидропост;
- САНИИРИ насадкаси (СН);
- САНИИРИ нинг қўшалок ўлчаш насадкалари (СҚЎН).

### ЎЎБК туридаги гидропост

Юқорида айтилганидек, КДТ нинг ўзига хосликларидан бири, канал ёнбағирлари ва кўндаланг кесимининг вақт давомида гидропост талабларига жавоб бермайдиган даражада шикастланишидир. Шу муносабат билан, каналнинг туғри ва вақт ичида ўзгармас кўндаланг кесимини ҳосил қилиш учун, коллектор тупроқ ўзанининг лойихалаштирилаётган гидроствори бетон камар билан қопланади (13 – расм). Бетон камарнинг эни, каналдаги сув сатхининг энг юқори пайтидаги чуқурлигига тенг бўлади, аммо, 3-5 м дан кам эмас. Бетон камарнинг туби канал тубидан  $p = 0,05-0,2 \cdot H_{\max}$  микдорда кўтарилган бўлиши керак.




13 – расм. ЎЎБК туридаги гидропост

ЎЎБК туридаги гидропостини градуировкалаш услуги ва ундан фойдаланиш, ушбу қўлланманинг 3 бўлимида батафсил баён қилинган.

### ЎЎАК туридаги гидропост

Кам сув сарфли (50 л/сек гача) очик коллектор ва дреналар учун ЎЎАК туридаги гидропостларни ташкиллаштириш тавсия қилинади (14 – расм).



14 – расм. ЎЎАК туридаги гидропост

Қоплама қисмининг узунлиги  $L_{\phi} = 5-10$  га тенг қилиб олинади. Ўзгармас кесимнинг баландлиги  $h_{\phi}$ , сув сатхининг кутилётган энг кўп қийматидан 0,3-0,4 м юқори қабул қилинади. Ўзаннинг торайтирилган ва асимметрик кесими, сув сарфини ўлчаш учун керакли чуқурлик ва оқим тезлигини ҳосил қилади.


Сув сарфининг контрол ўлчашлари гидрометрик кўприкчадан олиб борилади. Сувнинг ҳисоби,  $Q = f(H)$  ифодасини, ЎЎАК ни градуировкалаш йўли билан «тезлик - юза» усулида маълум услуби бўйича олиш усулига ўхшаш (мазкур қўлланманинг 3 бўлимига қаранг).

### СЎН туридаги сув ўлчаш воситаси

Сув сарфи 250 л/сек гача бўлган очик дрена тармоқлари учун СЎН нинг доира ва тўғрибурчакли кесимлилари тавсия қилинади:

- СЎН – 10 x 20 туридаги сув ўлчаш воситаси, сув сарфи 10 л/сек дан, 40 л/сек гача бўлган очик дреналар учун мўлжалланган;
- СЎН – 25 x 50 туридаги сув ўлчаш воситаси, сув сарфи 60 л/сек дан, 250 л/сек гача бўлган очик дреналар учун мўлжалланган.

СЎН туридаги сув ўлчаш воситалари, ёғоч тахта ёки ясси металдан ясалади. СЎН нинг конструкцияси, марказ бўйича маълум баландликда конус шаклидаги насадка бевосита ёпиштирилиб ўрнатиладиган девордан иборат (15 – расм).



15 – расм. САНИИРИ нинг сув ўлчаш насадкаси

СЎН ни металдан ясалганда, барча қирралари, унинг ички чоклари тоза, силлиқ бўлиши учун жипслаб пайванд қилинади.

Чиқиш кесимининг ўлчами  $\pm 2$  мм аниқликда, қолган ўлчамлари -  $\pm 5-10$  мм аниқликда бажарилади. Насадканинг ўки деворига кўндаланг бўлиши

ва занглашга қарши уч қатлам бўёк билан бўялиши керак. Сатх ўлчаш рейкалари деворнинг иккала томонидан, уларнинг ноллари бир хил қилиб ўрнатилади. Деворнинг ўлчамларини, каналнинг кўндаланг кесимига ўрнатишга мос шартидан келиб чиқиб белгиланади.

Сув сарфи

$$Q = 4.1 * a * b * \sqrt{Z} \quad \text{м}^3/\text{с}, \quad (6)$$

ифодаси орқали аниқланади.

Бу ерда:

4,1 – ўзгармас коэффициент;

$a$  – чиқиш кесимининг баландлиги, м;

$b$  – чиқиш кесимининг эни, м;

$Z = H - h$  - сатхлар фарқи, м.

СЎН дан ўтаётган сувнинг сарфини аниқлаш қулай бўлсин учун, сарф қийматлари, юқори ва пастки бьеф сатхларининг фарқи бўйича 6 – жадвалда келтирилган.

6 – жадвал

Сатхлар фарқи $Z$ (см)	СЎН 10x20 $Q$ (л/с)	СЎН 25x50 $Q$ (л/с)	Сатхлар фарқи $Z$ (см)	СЎН 10x20 $Q$ (л/с)	СЎН 25x50 $Q$ (л/с)	Сатхлар фарқи $Z$ (см)	СЎН 10x20 $Q$ (л/с)	СЎН 25x50 $Q$ (л/с)
1,0	8,2	51,2	10,5	26,5	166,0	20,0	36,7	229,0
1,5	9,9	62,2	11,0	27,0	170,0	20,5	37,2	232,0
2,0	11,6	72,2	11,5	27,7	174,0	21,0	37,6	236,0
2,5	13,0	78,2	12,0	26,5	177,0	21,5	38,0	238,0
3,0	14,2	83,7	12,5	29,9	181,0	22,0	38,5	241,0
3,5	15,3	90,0	13,0	30,0	185,0	22,5	39,0	243,0
4,0	16,5	102,0	13,5	30,5	188,0	23,0	39,4	246,0
4,5	17,5	108,0	14,0	31,0	192,0	23,5	39,8	248,0
5,0	18,5	115,0	14,5	31,4	195,0	24,0	40,2	251,0
5,5	19,3	120,0	15,0	31,8	198,0	24,5	40,6	253,0
6,0	20,0	126,0	15,5	32,3	201,0	25,0	41,0	256,0
6,5	20,7	130,0	16,0	32,8	205,0	25,5	41,4	258,0
7,0	21,5	135,0	16,5	33,3	208,0	26,0	41,8	261,0
7,5	22,2	140,0	17,0	33,7	211,0	26,5	42,2	263,0
8,0	23,0	145,0	17,5	34,3	215,0	27,0	42,6	266,0
8,5	23,7	150,0	18,0	34,9	218,0	27,5	43,0	268,0

Сатхла р фарки Z (см)	СЎН 10x20 Q(л/с)	СЎН 25x50 Q(л/с)	Сатхла р фарки Z (см)	СЎН 10x20 Q(л/с)	СЎН 25x50 Q(л/с)	Сатхла р фарки Z (см)	СЎН 10x20 Q(л/с)	СЎН 25x50 Q(л/с)
9,0	24,5	154,0	18,5	35,4	220,0	28,0	43,3	271,0
9,5	25,2	158,0	19,0	35,8	223,0	28,5	43,6	274,0
10,0	26,0	162,0	19,5	36,3	226,0	29,0	44,0	276,0

### Насадкаларни ўрнатиш ва ишлатиш бўйича талаблар:

- СЎН ни, пастки қиррасини канал тубига тақаган ҳолда каналнинг ёнбағирларига шундай киргазиладики, бунда пастки бёфдаги сувнинг сатхи, ҳаттоки сарфнинг энг кам қийматида ҳам насадканинг чиқиш кесимининг юқорисидан баланд бўлсин, яъни, насадканинг чиқиш кесими сув остида бўлсин;
- ҳар қандай ҳолатда ҳам, СЎН нинг девори тик ўрнатилган бўлиши ва канал ўқи билан мос бўлиши керак;
- СЎН ни, унинг таги ва ёнларидан сув сизиб ўтмаслиги учун, каналнинг таги ва ёнбағирларидан шиббалади. Каналнинг юқори ва пастки бёф қисмларининг тупроғи маҳаллий материаллар билан маҳкамланади.

### Тик дренаж скважиналар сув сарфини ўлчаш

Артезиан скважина (АС) ва тик дренаж скважиналар (ТДС) нинг босимли қувурларидаги сув сарфи ультратовуш, индукцион, парциал ва бошқа турдаги сарфўлчагичлар ёрдамида ўлчанади. Ҳозирги пайтда мазкур ўлчаш асбобларининг ТДС ларда ўрнатилганлари эскирди, кўпи, ишдан чиқди.

ТДС ларнинг дебитини ўлчаш керак бўлса, уларнинг қабул ҳовузларини стандарт сув ўлчаш воситаларининг бирор тури билан жиҳозлаш керак (мазкур қўлланманинг 2 бўлимига қаранг) расм 16.



**16 - расм. Тик дренаж скважинасининг чиқиш қисмида жихозланган САНИИРИ нинг сув ўлчаш нови**

## **СУВ ОҚИМИ САТХИ ВА ТЕЗЛИГИНИ ЎЛЧАЙДИГАН ГИДРОМЕТРИК АСБОБЛАР**

### **Сув сатҳини ўлчаш асбоблари**

Гидропостлардаги сув сатҳини ўлчаш учун, саноатда ишлатиладиган асбоблар – пўкакли сатх ўлчагичлар, электр сиғимли сатх ўлчагичлар, товуш сатх ўлчагичлар, сатх ўлчовчи гидротехник рейкаларни ишлатиш мумкин.

Сатх ўлчагичларни тинчлантириш қудуқлари ёки чуқурчаларга ўрнатиш керак.

Тинчлантириш қудуқлари ёки чуқурчаларнинг ўлчамлари, сув сатҳининг юқори частотали тебранишларини камайтириш ва сатх ўлчагич гидротехник рейкани бемалол ўрнатиш имконини таъминлаши керак (17 а; б – расм).



а) гидротехник рейка




б) тинчлантириш қудуги

17 – расм. Тинчлантириш қудуги ва сатх ўлчаш рейкаси

### *Сув оқими тезлигини ўлчайдиган асбоблар*

Сув хўжалиги амалиётида сув оқими тезлигини ўлчаш учун турли модификациядаги гидрометрик вертушкалар ишлатилади. Улардан энг кўп тарқалгани, Тбилиси шахридаги гидрометрик жиҳозлар заводи чиқарган ГР-21 М туридаги гидрометрик вертушкалардир. Ҳозирги пайтда МДХ мамлакатларидан гидрометрик вертушкаларнинг келмаётганлиги сабабли ҳамда уларнинг техник ишдан чиққанлиги сабабли бор асбобларнинг сони анча камайди.

Ўзбекистон Республикасида, САНИИРИ ИЧБ сида сув оқими тезлигини ўлчайдиган гидродинамик асбобнинг янги конструкцияси (ГТР) ишлаб чиқилди. ГТР асбобининг тажриба партияси 2005 йилда «ИУВР-Фергана» лойихаси ҳисобидан ясалди ва пилот СФУ ларга тарқатилди (18 – расм).



18 – расм. Сув оқими тезлигини ўлчагич (ГТР)



### Вазифаси

ГТР гидрометрик найчаси, сув оқими тезлигини, диаметри 28 мм ли стандарт гидрометрик штангага ўрнатиб ўлчашга мўлжалланган.

### ГТР нинг техник характеристикаси:

Тезликни ўлчаш диапазони - 0,2 м/сек дан, 2,0 м/сек гача;

Ўлчаш ҳатолиги -  $\pm 2\%$  гача;

Ўлчанаётган сувнинг ҳарорати - 0 °С дан, 30 °С гача;

Атроф муҳит (ҳаво) нинг ҳарорати - - 5 °С дан, 50 °С гача;

Габарит ўлчамлари – 0,38 x 0,30 x 0,045 м.

Оғирлиги, нетто – 1,7 кг.

Ҳизмат муддати – 6 й. дан кўп.

### ГТР нинг тузилиши ва ишлаш принципи

ГТР, иккита ўлчаш ва битта ёрдамчи найчалардан таркиб топган, такомиллаштирилган дифференциал Пито найчасидан иборат.

Барча - ўлчаш ва ёрдамчи найчаларнинг юқори қисмлари бир-бирига туташтирилган. Иккала ўлчаш найчасининг пастки қисмлари баравар очилиб ёпиладиган қўшалок клапан билан жиҳозланган. Қўшалок клапан ёпиқ ҳолатида, ўлчаш найчаларидаги сув сатхларининг сув оқими тезлиги билан боғлиқ қийматларини ўзгартирмай сақлашга хизмат қилади. Натижада сув оқими тезлигини ўлчаш аниқлиги кескин ошади. Каналдаги сув оқимининг бирор нуқтадаги тезлигини ўлчаш учун, ГТР стандарт гидрометрик штанга ёрдамида ўлчанадиган нуқтага туширилади. ГТР нинг ишлаш принципи сув оқими тезлигини ўлчаш найчаларидаги сув сатхларининг фарқи бўйича қуйидаги

$$V = \sqrt{2gZ} = 4.43\sqrt{Z}, \text{ м/с}$$

ифода орқали аниқлашга асосланган.

Бу ерда:

$g = 9,81 \text{ м/с}^2$  – ер тортиш кучининг тезланиши;

$Z = (H_1 - H_2)$  - ўлчаш найчаларидаги сув сатхларининг фарқи.

## **ГИДРОПОСТЛАРНИНГ ТЕХНИК ХУЖЖАТЛАРИ, УЛАРНИ ШАҲОДАТЛАШГА ТАЙЁРЛАШ**

Суғориш тармоғида қурилган янги гидропостни шаҳодатлаш учун, СФУ гидрометрлари қуйидаги хужжатлар тўпламини тайёрлашлари керак:

- Ўў туридаги гидропостлар учун – сарф ўлчаш ведомости (1 – форма);
- Ўў туридаги гидропостлар учун – градуировка ўтказилганлиги ҳақида қарор (2 –шакл);
- сарф ўлчаш воситасининг техник паспорти (3 – форма);
- сув сарфи ва сатх (ёки сатхлар фарқ) лари нинг градуировка боғлиқлиги (4 ёки 5 –шакл);
- координатлар жадвали (6 – форма);
- гидропостнинг ўлчаш ҳатолигининг ҳисоби.

Гидропостнинг юқорида санаб ўтилган хужжатлари тўплами (иловаларга қаранг), унга сертификат (метрологик шаҳодатланганлиги тўғрисида гувоҳнома) олиш учун керак. Санаб ўтилган хужжатлар тўпламисиз гидропост амалда фойдаланиш учун қабул қилинмайди.

Коммерция гидропостларини метрологик шаҳодатлашни, стандартлаштириш миллий агентликлари томонидан руҳсат берилган метрологик ташкилотларнинг мутахассислари амалга оширадилар.

Қиеслашнинг даврийлиги

- Оддий сатх ўлчаш воситалари учун – уч йилда бир марта.
- Юпка деворли водосливлар (учбурчаксимон, тўғрибурчаксимон, трапециясимон) учун – икки йилда бир марта.
- Сув ўлчаш новлари ва ўзгармас ўзанлар учун – уч йилда бир марта.

Қуйида, гидропостнинг ўртача квадратик нисбий ҳатолигини ҳисоблаш тартиби келтирилган. Сарф коэффицентининг ўртача квадратик нисбий ҳатолиги, сув ўлчаш воситасининг турига боғлиқ (7 – жадвал).

7 - жадвал

Сув ўлчаш воситасининг тури	Сарф коэффициентининг ўртача квадратик ҳатоликлари $\sigma_c$ , %
Юпқа деворли учбурчаксимон водослив	1 (2)
Юпқа деворли тўғрибурчаксимон водослив	1
Юпқа деворли трапециясимон водослив	2,5
Остонаси учбурчак профилли водослив	2
Остонаси тўғрибурчак профилли водослив	3
САНИИРИ нинг сув ўлчаш остонаси	4
Вентури нови	1 (2)
Паршал нови	4
САНИИРИ нинг сув ўлчаш нови	3

Ўў туридаги гидропостнинг ўртача квадратик нисбий ҳатолиги

$$\sigma_{\text{III}} = \sqrt{\sigma_e^2 + \sigma_h^2 + \sigma_{ep}^2 + \sigma_Q^2}$$

ифодаси бўйича аниқланади.

Бу ерда:

$\sigma_e \leq 1,5$  % - сув оқими тезлигини ўлчаш воситаси (гидрометрик вертушка) нинг асосий ҳатолиги;

$\sigma_h \leq 1$  % - сув сатҳини ўлчаш ҳатолиги;

$\sigma_{ep} \leq 2$  % - сарф эгривизлигини тузиш ҳатолиги;

$\sigma_Q$  - сарф ўлчашнинг асосий ҳатолиги, %.

Гидропостларнинг ҳатоликларини ҳисоблаш мисоллари иловада келтирилган.

## СФУ ЛАРДА КУНДАЛИ СУВ САРФИНИ ҚАЙД ҚИЛИШ ДАФТАРИНИ ЮРГАЗИШ

СФУ га берилаётган сув миқдорини контрол қилиш, сувдан фойдаланиш ва сув билан таъминланганликни таҳлил қилиш учун олинаётган сув ҳажмини ҳар куни қайд қилиш керак. Сув хўжалиги ташкилотлари амалиётида шу мақсадлар учун кундалик сув сарфини қайд қилиш махсус ўлчов варақаси ва сув ҳисобини олиб бориш бўйича йуриқнома ишлаб чиққан.

### Сув сарфи ҳисобини олиб бориш бўйича йуриқнома

1. Сув сарфини ўлчаш эрталаб 8<sup>00</sup>, кундузи 13<sup>00</sup>, кечқурун 20<sup>00</sup> ва кечаси 24<sup>00</sup> ларда, ҳамда канал гидроствори ва унинг сув олиш қулоқларидаги сув сатхининг, ҳар бир ўзгарганида олиб борилиши керак.

2. Фермер хўжаликларига сув олиш қулоқларининг, энг оддий турдаги сув ўлчаш воситалари (ўзгармас ўзан, водосливлар, новлар, остоналар) билан жиҳозланганларидаги сув сарфининг ҳисоби, сатх ўлчаш рейкаси ва сарф жадвали бўйича олиб борилиши керак.

3. Сув сарфининг ўлчанган қийматлари, сувдан фойдалануви ва сув билан таъминловчилар ўртасидаги асосий ўз-аро ҳисоб-китоб ҳужжати бўлмиш махсус ўлчов варақаси (иловадаги 1 ва 2 формалар) да қайд қилиниши керак.

4. Сув бериш динамикасини кўрсатувчи ўлчов варақалари, ўрнатилган форма (1 ва 2 формаларни тўлдириш намуналарига қаранг) бўйича тўлдирилиши керак.

5. Ўлчов варақалари, сув сарфини бевосита ўлчаган шахслар (СФУ гидрометрлари) томонидан тўлдирилиши ва сувдан фойдаланувчилар (фермерлар) билан мувофиқлаштирилиши керак.

6. Ўлчов варақалари, тикилган ва тартиб билан рақамланган бўлиши керак. Ўлчов варақасида ўзгартишлар қилиш руҳсат этилмайди. Сарфларни коррективланганда, ўзгартишларнинг сабаблари кўрсатилиши ва асосланиши керак.

7. Сувнинг, ўлчанган сарф ва ҳажм қийматлари ўлчов варақасида нотўғри тўлдирилган ёки ўзгартирилган ҳолатларда, уларнинг сабаблари ва ёзишда ҳатоликка йўл қўйган жавобгар шахслар кўрсатилиши керак. Ўлчов варақасини ўзгартириш ва мунтазам нотўғри тўлдирилиш сабаблари асоссиз бўлса, раҳбарият томонидан бундай шахсларнинг жавобгарлиги ҳақида масала қўйилиши керак.

### Ўлчов варақасини 1 форма (намуна) бўйича тўлдиришга тушунтиришлар

1. 1 графа – гидропостнинг, сув ўлчаш воситасининг тури, ўлчаш оstonасининг эни ва ҳоказолар кўрсатилади.

2. 2 графа – ўлчаш саналари кўрсатилади (тўлиқ суткаларда).

3. 3 графа – гидропост створидаги сув сатхининг ҳар ўзгарганидаги вақти ёзилади.

4. 4 графа – сув сатхининг қийматлари ёзилади.

3. 5 графа – сув сарфи (Q) нинг, вертушка ёрдамида ўлчанган ёки сарф жадвали бўйича ҳисобланган қийматлари киритилади.

4. 6 графа – ўлчашлар орасидаги оралик вақт (T).

5. 7 графа – хўжаликка берилган сув ҳажми, ўлчашлар:

л/с да бўлганда

$$W_i = \frac{3600 * T * Q}{1000}, (м^3)$$

м<sup>3</sup>/с да эса

$$W_i = 3600 * T * Q, (м^3)$$

ифодалари орқали ҳисобланади.

6. 8 графа – сувнинг бир суткадаги ҳажми (W<sub>c</sub>)

$$W_c = W_1 + W_2 + W_3 + \dots + W_n, (м^3).$$

7. 9 графа – коррективкалаш ва ўзгартишлар киритилганда тўлдирилади.

### Ўлчов варақасини 2 форма (намуна) бўйича тўлдиришга тушунтиришлар

7. 1 графа – кундалик ўлчашлар санаси.

8. 2 графа – хўжаликларга ҳар суткада берилган сув ҳажми W<sub>i...n</sub>.

9. 3 графа - сувнинг ҳар ўнкунлик ҳажмлари W<sub>10</sub>.

$$W_{10} = (W_1 + W_2 + W_3 + \dots + W_{10}), (\text{м}^3).$$

10. 4 графа – сувнинг ойлик ҳажмлари  $W_M$

$$W_M = (W_{10} + W_{10} + W_{10}), (\text{м}^3)$$

11. 5 ва 6 графалар – 3 ва 4 графаларга ўхшаш тўлдирилади.

12. вегетациядаги сув ҳажми

$$W_B = (W_M^1 + W_M^2 + \dots + W_M^n), (\text{м}^3)$$

сувнинг, ювиш сувлари билан биргаликдаги йиллик ҳажми.

$$W_{\Gamma} = (W_B + W_{\Pi}), (\text{м}^3)$$

$W_{\Pi}$  – ювиш суви ҳажми.

13. 7 графа – коррективка ва киритилган ўзгартиш сабаблари кўрсатилиши керак.

1 шакл

**Кундалик сув сарфини қайд қилиш  
Ж У Р Н А Л и**

« \_\_\_\_\_ » хўжалиги

\_\_\_\_\_ канали \_\_\_\_\_ сув олиш  
қулоғи \_\_\_\_\_ гидропости

Сув ўлчаш воситасининг тури	Ўлчаш санаси кун, ой йил	Ўлчаш вақти, Соат, дақиқа	Рейканинг кўрсатиши Н, см	Сув сарфи Q, л/сек	Ўлчашла р орасидаги вақт,Т, соат, дақиқа	Ўлчашла р орасидаги сув ҳажми, W <sub>с</sub> , м <sup>3</sup>	Кунлик сув ҳажми, W <sub>с</sub> , м <sup>3</sup>	Эслатма
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Томсон водосливи в = 50	20.06.04	8-00	10	5				
					6	108		
		14-00	15	10				
					6	216		
		20-00	15	10				
	21.06.04	8-00	12	7	12	302		
	Итого	24	-	-	24	626	626	
	21.06.04							
	Ва ҳоказо							

Ўлчашни олиб борди

СФУ гидрометрии, техниги

Сув олувчилар билан мувофиқлаштирилди:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

2 шакл

Сув ўлчаш  
варақаси

ўнқунлик                      ойлик                      вегетация учун                      йиллик

Сарф ўлчаш санаси	Қунлик сув ҳажми, м <sup>3</sup>	Ўнқунлик сув ҳажми, м <sup>3</sup>	Ойлик сув ҳажми, м <sup>3</sup>	Вегетация учун сув ҳажми, м <sup>3</sup>	Йиллик сув ҳажми, м <sup>3</sup>	Эслатма
1	2	3	4	5	6	7
01.06.04	626					
02.06.04	780					
03.06.04	700					
04.06.04	-					
05.06.04	-					
06.06.04	-					
07.06.04	600					
08.06.04	680					
09.06.04	700					
10.06.04	-					
<b>Ўнқунлик</b>	<b>4086</b>	<b>4086</b>				
11.06.04	-					
12.06.04	-					
13.06.04	-					
14.06.04	-					
15.06.04	-					
16.06.04	-					
17.06.04	500					
18.06.04	550					
19.06.04	600					
20.06.04	650					
<b>Ўнқунлик</b>	<b>2300</b>	<b>2300</b>				
21.06.04	-					
22.06.04	-					
23.06.04	-					
24.06.04	-					
25.06.04	-					
26.06.04	650					
27.06.04	700					
28.06.04	750					
29.06.04	800					
30.06.04	-					
<b>Ўнқунлик</b>	<b>2900</b>	<b>2900</b>				
Ойлик	9286	9286				

Ҳисоблади

Техник, гидрометр

-----

Мувофиқлаштирилди сувдан фойдаланувчи-----



## И л о в а л а р

1 Илова

2 Шакл

келишилди \_\_\_\_\_

тасдиқлайман \_\_\_\_\_

гидротехник иншоотнинг градуировкаланганлиги ша=ида

қарор

Биз, =уйида имзо чекканлар \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ва=т ичида

\_\_\_\_\_ =уйида келтирилган

параметрлардаги гидротехник иншоотни \_\_\_\_\_

*услугида градуировкаладик.*

Градуировкалашда \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ каналидан

\_\_\_\_\_ масофада жойлашган гидрометрик створдан фойдаланилди.

*Сув сарфини ылчаш 200**йил « \_\_\_\_\_ »*

\_\_\_\_\_ да =иёслашдан

\_\_\_\_\_ ытказилган \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ турдаги вертушка ёрдамида

\_\_\_\_\_ гидрометрик створнинг \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ та тиклигида

\_\_\_\_\_ ну=тали усулда бажарилди.

Градуировкалаш шароитлари: \_\_\_\_\_

Градуировкалаш натижалари \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ иловадаги бланкларда келтирилган

Градуировкалаш натижалари быйича ыртача арифметик хатолик \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ %

Хулоса. \_\_\_\_\_

" \_\_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ 201 \_\_\_\_ йил

ИМЗОЛАР:

Метрологик хизмат =иёсловчиси \_\_\_\_\_

Су`ориш тизими бош=армасининг гидротехниги \_\_\_\_\_

## 2 ИЛОВА

3 шакл

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

**ГИДРОПОСТНИНГ**

**ТЕХНИК ПАСПОРТИ**

(гидропост ёки каналнинг номи)

(гидропостнинг вазифаси)

(гидропостнинг жойлашиши ва бош=а асосий маълумотлар)

. Гидропост \_\_\_\_\_ йилда ырнатилган.

Жойлашиш чизмаси \_\_\_\_\_ иловада келтирилган.

. Гидропостнинг смета ва ха=и=ий нархи \_\_\_\_\_

Сув сарфи, м<sup>3</sup>/с \_\_\_\_\_

+урилиш чу=урлиги, м \_\_\_\_\_

Тубининг эни, м \_\_\_\_\_

Ю=ори =исмининг эни, м \_\_\_\_\_

Ёндеворларнинг =иялиги \_\_\_\_\_

Хылланган кесим юзаси, м<sup>2</sup> \_\_\_\_\_

Максимал тылалик, м \_\_\_\_\_

Минимал тылалик, м \_\_\_\_\_

Сув о=имининг максимал тезлиги, м/с \_\_\_\_\_

" \_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ 200\_\_ йил

ИМЗОЛАР:

Метрологик хизмат =иёсловчиси

---

Су`ориш тизими бош=армасининг гидротехниги

---

**Редакционная коллегия:**

Духовный В.А.  
Соколов В.И.  
Зиганшина Д.Р.  
Беглов Ф.Ф.  
Беглов И.Ф.

**Адрес редакции:**

Республика Узбекистан,  
100187, г. Ташкент, массив Карасу-4, д. 11  
Научно-информационный центр МКВК

**Составитель**

Масумов Р.

**Компьютерная верстка и оформление**

Беглов И.Ф.

<http://sic.icwc-aral.uz>